



Адабиётнинг даргохи кенг. Хаммага жой етади. Аммо шундай пайтлар хам бўладики, ана шу кенг майдонда туриш кандайдир укубатларга йўликитиради. Шўро адабиётшунослигида ўтмишдаги бирон адибнинг ижодини ўрганиш, оммалаштириш учун уни ўша замонда яшаган бошка бир ижодкорга карши кўйиш урф бўлган эди; буниси – прогрессив, униси – корагурухчи, сарой шоири... Душмани йўқ одам унчалик макбул кўрилмас эди. Борди-ю, прогрессив тарихий шахснинг ёви топилмай колса, бирон бадиий асаддаги тўкима образ унга карши кўйиларди. Шу зайлда, Мирзо Уlugбек Xўжа Ахрорга карши, Навоий Мажидиддинга ёв, Хамза Чўлпонга кекли килиб кўрсатилди. Аслида, улар реал хаётда ўзаро ракиб эмасди. Нима бўлганда хам, окибат, улуг шахсларнинг рухи кўп бор чиркираб колган.

Ижтимоий хаёт тасвири-ку, тамом якранг эди: универсал схемага кўра, ижобий қаҳрамон, албатта, камбагал, аммо хакгўй ва аклли, бойларга карши, бой-бийлар эса, шубҳасиз, золим, ахлоксиз ва нодон килиб тасвирланарди...

...Даригки, ўзаро якин – касб-кори, фикр-эътиқоди ва эътимодлари уйкаш бўлган кишилар орасида низо кўпроқ юз бераркан. Айнан бир йўлдаги одамлар орасида келишмовчилик юзага келса, ракиблардан бири иккинчисини йўкотишга харакат килади. Оташнафас шоир Машраб билан диёнати пок Сўфи Оллоёр орасидаги мунокаша ва унинг окибатлари бунга мисол бўлса, ажаб эмас...

....Машраб Сўфи Оллоёрга учрашиб сухбатлашиш учун Каттакўргонга икки марта келган, аммо кай сабабдандир, кўришиш насиб бўлмаган. Гафур Гулом хам Самарканд олимлари билан Обирахмат бўйидаги бир сухбатда: “Сўфи Оллоёр хакида бир нарса ёзиб кўринглар, – деган экан. – У зўр бўлмаса, Машраб Сўфи Оллоёрни уч марта излаб, унинг ёнига келармиди?” (Иноятулла Сувонкулов. Машраб ва Сўфи Оллоҳёр. “Шарқ юлдузи” журнали, 2007, 1-сон, 129-бет. )

Сўфи Оллоёр билан кўришиш орзуисидаги Машраб учинчи маротаба келганида, унинг Хисор томонга кўчиб кетганини эшитади (ва дейдики):

Топмасак Сўфи изин Каттакўргона юриб,  
Хўш Оллоҳ ёр деб, азми Хисор истар кўнгул...

Нихоят Машраб Сўфи Оллоёр билан Кабодиёнда юз кўришади... (Баъзи муаллифлар Машраб билан Сўфи Оллоёр уч бора кўришиб сухбатлашган, деган фикрни айтишади. Бизнингча, улар факат бир марта кўришган.)

Хўш, бунга кадар Машраб учрашиш учун уни кидириб икки бор Каттакўргонга борганини Сўфи Оллоёр билмаганмикин? Шубхасиз, хабардор бўлган, аммо мулокотга негадир рагбат килмаган. Хўш, нима учун?

Ўтмиш ўзбек адабиётининг икки улуг намояндаси Машраб билан Сўфи Оллоёр учрашуви тафсилоти хусусида Исҳок Богистоний ўзининг “Тазкираи каландарон” асарида шундай ёзади: “Вактики Шох Машраб бирла хамкорликда Кабодиёнга дохил ўлдик... Шох ва яна етти каландар ва факир Кабодиённинг такяхонасига кўндиқ. Шох Машрабнинг Кабодиёнга дохил ўлмишлари оз фурсатда эл орасида машхур бўлмиш. Андак фурсатдан сўнг маълум ўлдики, эшони Сўфи Оллоёр мунда эрканлар, орадан бир муддат ўтиб эрдики, эшони Сўфининг муридларидан икки нафари келиб, Шохга куллук адосидин сўнг дедиларки, ё шох каландар, пиримиз эшони Сўфи сиз азизни ўз кулбаларига чорлайдурлар. Шох Машраб алар жавобида дедиларки, маъкул, эрта намози жумъадин сўнг эшон Сўфи хазратларига куллук адосин килгаймиз”.

Алгараз, эрта намози жумъа адосидин сўнг шох Машраб факир ва каландарлар хамроҳлигинда эшони Сўфи кўнокларига хозир ўлинди. Анда катта жамоат ўлубтур. Кабодиён козиси, оксокол ва бисёр кадхудолар анда жамъ бўлмишлар эрди.

Салом-алик адосидин сўнг Сўфи Оллоёр Шох Машрабга юзланиб демишларки: “Ё Машраби девона, шоирлик шуҳратингиз оламни тутадур. Сизни бирла мулокот орзусида эрдим, эрса тангри таоло бу орзумни етказди. Хуш келибсиз, сафо келибсиз!”

Эътибор килсак, Машраб уни йўклаб Кабодиёнга хам келганини эшитган Сўфи Оллоёр, мезбон макомида бўлатуриб, Машраб кўнган такяхонага ўзи бормай, одам жўнатади. “Куллук адосини килиш” учун келган улуг шоирни... “Ё Машраби девона...” деган хитоб билан кутиб олиб, “Сизни бирла мулокот орзусида эрдим, эрса тангри таоло бу орзумни етказди”, деб айтади. Аммо Машраб Сўфи Оллоёрдан илтифот ва манзират тилаб келмаган эди, у тасаввуфий мавзуда баҳс очиб, Сўфи Оллоёрнинг маслагини аниклашга интилади: “Андин сўнг Шох ва эшони Сўфи ораларинда ажиб сухбат бўлиб ўтмиш, – деб давом этади Исҳок Богистоний. – Гап орасинда Шох Машраб дедиларки: “Ё Сўфим, сиз бутун умрингиз мобайнода пулисиротга хушомад килмишсиз. Хузурий дегани эса дўзахга хушомад этмиш. Ё Сўфим, инсоф бирла тафаккур килинса, дўзах ва пулисирот шу ёруг дунёнинг ўзида мавжуд эмасму? Фарзанди одам умринг ибтидосидин то интихосига кадар босиб ўтмиш йўлининг ўзи – кил устида турмоклик; гардун ва золимлар анинг бошига ёгдирмиш азобу укубатлар, сонсиз фалокатлар дўзах азобидин камму? Ё Сўфим, оёкларингиз остига бир назар ташланг – пулисирот ва дўзах анда мавжуддир”. Машраб Сўфи Оллоёрга юзланиб, бу газални ўқидилар:

Англа бу сўзни эй санам, ошики муддао ўзум,  
Асло юракда багри йўқ, дунёда бедаво ўзум.

Кошки юзингни шамъига бўлмагай эрдим интизор,  
Рахм эта кўр бу холима, ошики бекарор ўзум.

Катраи май тотурмасанг, ол бу жонимни кийнамай,  
Сенсиз агар бу дуняда, ўлмакима ризо ўзум.

Ул аросат, дўзахига якка ўзум бир кирай,  
Юрдиму кўрдум хамани – дунёда пургунох ўзум...

Парда кўратгил эй санам, рози дилимни айтайнин,  
Барча паямбар олдида илгари доҳох ўзум.

Ошик эрурсан эй рафик, кўркма бу жонни вахмидин,  
Килса мадад ўзи, вале, журмима хам шифо ўзум.

Куйди юрогим ўртаниб, жаври ситам хам этмагил,  
Охима жовидон куяр, оташи тобдор ўзум.

Эшони Сўфи ва ахли уламо Шох Машраб жавобларидин тагийр тортиб, истигфор келтурмишлар. Эшони Сўфи Шох Машрабга юзланиб дедиларки: “Ё Машраби мажзуб, гунохга ботманг. Оллох таоло бехишт ва дўзахни солих ва кофир бандалари учун яратмиш. Гоғил бандаларни бу хакикатдан огох килмок сиз ва биз учун хам фарз, хам карздир”. Анда Шох Машраб дедиларки: “Ё Сўфим, агар хакикат килингуси бўлса, дўзах аро барча гунохкорлар тўлиб-тошуб, анда оёқ босарга жой колмас, азоб малоикалари эрса ўз юмушларининг ухдасидан чиколмагайлар. Бехишт эрса бўш колур. Келинг, то танда жон мавжуд экан, шу ёргу дунё ташвишлари борасинда жустижў килмогимиз маъкулроқдир...”

Чамаси, ана шу гаплардан сўнг ирфоний сухбатнинг кўри совуган кўринади. Сўфи Оллоёр гап ўзанини бошка ёкка буриб, Машрабни ўз уйидаги меҳмон бўлишга чорлади: “Ё Машраби мажзуб, такяхонада истикомат этмишсиз. Анда халойик авомдир. Дилингиз озор топгусидир. Факирнинг кулбаси ихтиёрингизда, муридлар эрса хизматингизда бўлгай”.

“Шох Машраб эшони Сўфи жавобларинда дедиларки: “Ё Сўфим, илтифотингизга арзимасмен. Такяхона мен учун боёнлар касридан ортугдир. Анда жонимрохатда, фиску фужурдин холи бўлгай”.

“...Шу тарика Кабодиёнда бир ойдин ортиқрок муддат истикомат килинди, – деб ёзади Исҳок Богистоний. – Авому аннос Шох Машрабга багоят иззату эхтиром кўрсатмиш”.

Эътибор килсак, “Кайдасан, Сўфим?” деб шунча кидирган ва, никоят, топган Машрабда Сўфи Оллоёр билан сухбат куришга ортиқ иштиёқ колмагани аён бўлади. Унинг уйини

эса боёнлар уйига менгзаб, бу ерда фиску фужур бор деб очик айтади ва такяхонадаги хамрохлари ёнига кайтиб кетади. Шу “бир ойдан ортикрок муддат” мобайнида Машраб билан Сўфи Оллоёр иккови бир жой – Кабодиёнда яшаб туриб, бошка юз кўришмайди. Сўфи Оллоёр хам уни кайтиб сўрамаган (йўклаганида Исҳок Богистоний буни кайд килган бўларди). Аммо “авому аннос”нинг Машрабни “багоят иззату эхтиром” килаётганидан хам бехабар колмаган, албатта.

Бу учрашув айнан Исҳок Богистоний баён килган равишда кечганини бошка бир манба – “Киссан Машраб” китоби хам тасдиклайди. Унда хам Машрабнинг Сўфи Оллоёрни кидириб Кабодиёнга келгани, дархол бахсга киришгани, Хузурийнинг киёмат ва Сўфи Оллоёрнинг пулисирот хакидаги вахшатангиз абёти, Оллоҳни топган бандалар учун дўзахнинг вахми хеч эканини айтгани бу китобда хам тафсиллаб кўрсатилган.

Бу воқеаларга хозир уч юз йилдан ошди. Исҳок Богистоний уни шархламайди, муносабатини билдирилмайди, хабар бериб ўтади, холос. Аммо бизга тазкирада икки улуг шоирнинг сухбати тафсилоти, унинг шиддати бир оз сусайтириб баён килингандай (кимсан Сўфи Оллоёр, ахир), кўлёзма асарни ўкиб, хотирасига жойлаган Мухсин Зокиров хам 1990 йилда асарни кайта тиклашда айрим ўринларини юмшатгандай туйилади.

Кадимда фозилларнинг мунокашалари оддий хол эди ва бахс ўрни –уламолар мажлиси бўлган. Бинобарин, Машрабнинг Сўфи Оллоёр билан бахсу мунозараси хам мутлако табиий, хатто кутилган хол эди. Ёдингизда бўлса, Жалолиддин Румий билан Шамс Табризийнинг учрашувлари хам савол-жавоб, бахс асносида бошланган.

Румий билан Табризий учрашуви... Ўша узок ўтмишдаги бу дийдорлашувни юлдузларнинг бахтили киронига киёслаш мумкин. Табризий бамисоли булок кўзини босиб ётган харсангни олиб ташлагани, Румий ижоди шу учрашувдан кейин барк уриб яшнаб кетгани маълум.

Машраб Румий ижодидан яхши хабардор эди. Бошка тафсилотларни кўятуриб, биргина фактни келтирайлик: Фитратнинг шаходат беришича, у “Мабдаи нур” асарини Румийнинг “Маснавийи маънавий”сидан таъсирланиб, матнида Румий асаридан кўп парчалар келтириб ёзган. (Мўмин Хошимхонов. Машраби мўътабар ўзум. 3-китоб. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент, 2008, 87-89-бетлар.) Кузатсак, Машраб ижоди бир канча жихатлари билан, жумладан, бадеха йўсинида ижод килиши хам Румий ижодиёти руҳига мувофик эканини кўрамиз.

Румийнинг Шарқда наклларга айланиб кетган хаёти, айникса, Табризий билан учрашуви тафсилотидан Машрабнинг айрича таъсирлангани табиий. Хатто уни ўзига улги килиб олмок, тарихни такрорлатмок орзусида бўлгани, Сўфи Оллоёр билан учрашувдан Румий билан Табризий учрашуви натижаси каби хайрли бир окибатни, шу каби натижани кутгани эхтимол. Афсус, Машраб ва Сўфи Оллоёр орасида бу рўй бермади.

Машрабнинг хам, Сўфи Оллоёрнинг хам тугилган ва ўлган санаси аник эмас, бир-бири билан качон кўришгани хам номаълум, манбаларда бу тўгрида хар хил ракамлар келтирилади. Чунончи, “Маслакул муттакин” китоби сўзбошисида Сўфи Оллоёр “1630-1650 йилларда тугилиб, 1721 йилда ўлган” деб кўрсатилса, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да у 1644 йилда Каттакўргонда тугилиб, 1724 йилда Деновда ўлган, дейилади. Шу манбада Машраб 1640 йилда Намангонда тугилиб, 1711 йилда Балхда дорга осилган дейилса, ундан аввал чоп этилган “ЎзСЭ”да Машраб хаёти саналари 1657-1711 килиб кўрсатилган. “ЎзСЭ”нинг 10-жилдидаги “Сўфи Оллоёр” маколасида шоир “17-асрда яшаб ўтган”, дейилади.

Кўрамизки, кўп ракамлар бахсли. Аммо улар шу билан бархам топмайди. Машраб хакида тадқикот яратган Мўмин Хошимхонов юкорида кайд этилган “Машраби мўътабар ўзум” китобида Сўфи Оллоёрни 1634 йилда Каттакўргонда тугилиб, 1724 йилда Мисрнинг Искандария шаҳрида тўксон ёшида ўлган, дейди. Боз, бу асарда Машраб 1653 йилда Наманғонда тугилиб, 1711 йилда Балҳда эмас, Кундузда дорга тортилгани айтилади. Кўрамизки, Машраб гоҳо 57 ёшда, гоҳо 58, гоҳо эса 71 ёшда катл этилган, деб кўрсатилса, Сўфи Оллоёр эса хали 90 ёшида, хали эса 71 ёшда ўлганига шоҳидлик берилади. Бир манбада Сўфи Оллоёр Машрабдан ёши улуг, бошкасида эса кичик килиб кўрсатилади.

Улуг ижодкорлар хаётига оид саналарни аниклаш факат илмий саришталиқ учунгина зарур эмас, шу оркали бир талай муаммолар хам ойдинлашади. Хозир бу чалкашликларни кўрсатишдан максадимиз Сўфи Оллоёр “Маслакул муттакин”ни качон ёзганини аниклашдир. Аслида, бу асарнинг санаси жуда аник – шоирнинг ўзи уни 1112 хижрий или, (1700-1701 мелодий) мухаррамнинг йигирма тўртинчисида, душанба куни тамомлаганини кайд этган.

Бирок гап шундаки, манбаларда Машраб Сўфи Оллоёр билан Кабодиёнда 1710 йилда учрашган деб кўрсатилади ва Исҳок Богистонийнинг “Тазкираи каландарон”ини бунга асос килиб келтирилади. Аммо тазкира матнида учрашув качон бўлганига оид маълумот йўқ.

Биз эса, Машраб билан Сўфи Оллоёр 1710 йилда эмас, балки ундан камида ўн йил олдин – “Маслакул муттакин” ёзилмасидан аввал, яъни, 1700 йил теварагида учрашган, деб биламиз. Бунга шу асардаги мана бу парчалар асос бўлгудек: “Яна бир тоифалар лавандлик (ишёкмаслик) бирла ишлар килурлар, отларин “девона” кўйуб, ўзларини мастлардек килурлар, – деб ёзади Сўфи Оллоёр. – Шариат бирла парволари бўлмас. Ва яна айтурларки: “Бизлар ошиқдурмиз, бизларга намоз ва рўза даркор эмас”. Аларнинг улфати Шайтондур. Бу сўзларга бовар килиб, андог гумроҳга эътиқод килса, ул Худони(нг) душманидур. На учунким, улар Худони(нг) оятига мункирдур. Хар киши оятга мункир бўлса, бешак коғир бўлур”.

Ана энди бир ўйлаб кўрайлик: Сўфи Оллоёрга замондош, отини “девона” кўйган, ўзини ошик деб атаган, Сўфи Оллоёрнинг қаҳрини кўзгаб, унингча, “шариат бирла парвоси бўлмаган” одам ким бўлиши мумкин эди?

Бундай одам... биргина Боборахим Машраб эди.

Машрабни шариат билан парвоси бўлмаган, деб айблаш асоссиз, илло, у тарикат йўлида эди, тарикатнинг хам алланечук бир макомларига етишган эдики, бу макомда хар дам шариатдан дам уриш шарт эмас эди. Аммо X асрда Мансур Халложни катл эттирган, XV асрда Имодиддин Насими терисини шилдирган жаҳолат хамма замонда гоят катта кучга эга бўлади. Негаки, Машрабдан кутулиш замона зўрлари учун керак эди. Машраб замонга сигмас, золимлар билан муроса кила олмас эди. Машрабни нима килиб бўлса хам даф этиш йўлини топиш даврнинг социал заказига айланган эди ва буни Сўфи Оллоёр бажарди: Машраб асарларидаги ўта сўл сўфиёна рух, феъл-атворидаги кизикконлик, чўрткесарлик, риё ва риёкорона таквонинг йўклиги гоят кўл келди ва Машраб ва машрабтабиат каландарлар “коғир” деб эълон килинди.

Шу билан бирга, шахсий муносабатлар хеч качон иккинчи даражали бўлиб колган эмас. Машрабнинг жуда юксак сўфиёна даражада эканлиги хам бунда муайян роль ўйнаган бўлса, ажаб эмас. Чунончи, Мажзуб Наманғоний “Тазкиратул авлиё” асари мукаддимасида Машрабнинг Каршидаги хаётига бөглик куйидаги маълумотни

келтиради: “Девонаи Машраб сулук тахсилини Офокхожадан олди. Кичик халифалардан эди. Аммо Каршига келиб тўрт йил турди. Голибо, унинг сулуки Хўжам Пошшо сухбатидан батафсил бўлди. Бир куни Хўжам Пошшодан сўрашди: “Илми Сўфи Оллоёр афзалми ё илми Девонаи Машраб?” Хўжам Пошшо айтдики: “Илми Сўфи Оллоёр шундай илмки, уни мадрасаларда толибларга ўргатса бўлур. Илми Девонаи Машраб – асрор илмидирки, гоҳ-гоҳида авлиёуллоҳ сухбатидан баъзилариғагина мұяссар бўлур”. Машрабнинг тасаввуфий макоми даражасига оид бу таърифни тавсифлаш шарт эмасдир, деб ўйлаймиз.

“Шоҳ Машраб Кабодиён фукароси ахволи борасинда ушбу абётни битмишлар эрди”, деб ёзади Исҳок Богистоний “Тазкираи каландарон”да:

Кадди меҳнат тогидин хам бўлган эй бечоралар,  
Багри вахшат тигидин юз пора хам юз ёралар.

Кўрмаган умри ичинда бир дами бир яхши кун,  
Тийра гамдин дилда дог, хам кўзлари гирёналар.

Бул Кабодиён аро кўрдим неча гамхорани,  
Ранги захил, кўнгли синиг, бир жон учун кўп зоралар.

Гар шикоят килса золим зулмидин мискин гариб,  
Куфр килдинг деб уриб, такдир калам деб ёзалар.

Козидин сўрдим эса: “Бу на учун бедодлиг?”  
Кози дер: “Амри худодур, бўлмагил куффоралар”

Машрабо, амри худо нечун бу янглигдур каро,  
Ё магар амри худони бад каламла ёзалар?!

Яъни, зулмдан дод деганлар хам, бунча бедодлиг (адолатсизлик) нима учун деб савол берганлар хам Кабодиёнда коғир саналган. Коғир эса, шубҳасиз, жазога мустахик. Бу газал ёзилган пайтда, Кабодиёнда шариатнинг пешвоси, хосу омнинг пири муршиди –

Сўфи Оллоёр эди.

Боз, Машраб хакида битилган барча асарларга кўра, у феъл-атвори очик, самимий бўлган, хаётнинг сўфиёна маъносини инкишоф этган кишилар билан танишиш, улар илмини эгаллашга жон-жаҳди билан интилган. Аммо... гарчи тазкира ва манкабаларда бу тўгрида равshan кўрсатилган бўлмаса-да (у давр услубига хозиргидай очик ёзиш анъанаси хос эмас эди), хеч бир пир ё уламо, хеч бир амалдор оташнафас Машрабнинг талабига жавоб бера олмаган, яъни, у хеч кимда ўзи кидирган шахсни топа олган эмас. Бу гап унинг илк пири Мулла Бозор охундга хам, Офокхожага хам, Сўфи Оллоёрга хам тааллукли. Гарчи хозирги тадқикотчилар унинг Офокхожа билан ўзаро муносабатини анча иликлashiриб талкин этишларига карамай, Машраб у билан хам, кай ўлкага борса, ўша ердаги уламою амалдорлар билан хам чикиша олмаган, буни уларнинг юзига очик айтган ва бирон-бир килмиши юзасидан хеч кимдан – Сўфи Оллоёрдан хам, Офокхожадан хам, уни катл этишга хукм килган Балх подшохи Махмуд катагондан хам – узр сўрашни хаёлига келтирмаган, тавба килишни талаб этганларида катъий рад килган.

Бунинг устига, Сўфи Оллоёр анча каттиkkўл шахс эди. Соликчилик килиб юрган пайтида бир аёл “золим кўриб колмасин”, дея кўркканидан кўпприк остига кириб беркиниб, вахима ичидаги хомиласини чала ташлагани, бундан хабардор бўлган Сўфи Оллоёр тавба килиб тарикат йўлига ўтгани, ёки шайх Хабибуллонинг бож тўламай Бухорога мол олиб келаётган бир муридини Сўфи Оллоёр каттик калтаклагани манокабалардан маълум.

Шахсий характер ва дунёкарашни кўятуриб, сўфиёна макомларига тўхталадиган бўлсак, хар кандай ижтимоий вокелик сингари тасаввуф хам ўзига хос ўнг ва сўл жихатларга эга эдики, ўзи яшаган давр шариат ахкомларини маҳкам тутган, ундан бир карич хам четлашмаган ўнг окимнинг энг катъиятли вакили Сўфи Оллоёр эди. “Аршининг кунгурасин устига кўйдум оёгим, Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на килай?” деб бонг уриб, хакка етишиш истагида дунёни чарх уриб кезган, жунунвшликка кадар бориб етган сўл окимнинг энг номдор намояндаси Машраб бўлган.

Тўгри, давр ўтиб, ё бирон ходиса туфайли кишининг дунёкараши ўзгариши мумкин, бирок фитрати, феъли ўзгармайди. Гарчи кейин амалдорликдан воз кечиб, ирфоний хаёт йўлига кирган бўлса хам, катъийлик, шафкатсизлик Сўфи Оллоёрда доим сакланиб колган кўринади.

“Маслакул муттакин”да хам ана шу шиддат сезилиб туради. Хар бир холни синчиклаб ўрганиб хулоса чикариш ўрнига: “Хар ким андог гумрохни этагин ушласа, расули худонинг динидан ташкаридадур”, “...андог гумрохга эътиқод килса, ул худони душманидур”, “...кофир бўлур”, каби кескин таърифлар анча. “Саботул ожизин”даги иборалар хам шунга монанд.

1711 йилда Балх шайхулисломи ва бошка уламолар: “Машраб ва хамроҳлари халойикни гумрохликка ундар, шариат ва тарикатдин оздирур, ашъоридин куфр иси келур...”, деб, дорга тортишга фатво бергани “Тазкираи каландарон”да битилган. Аммо ёдингизда бўлса, ундан хийла аввал, исмини келтирмаган холда, Машраб ва унинг муридларини айнан Сўфи Оллоёр куфрда айبلاغан эди. Машрабни кофир деб эълон килиш, яъни, уни маҳв этишга хукм аслида Кабодиёнда чикарилган эди...

...Эҳтимол, адабиётимиз тарихидаги бундай лавхаларнинг ёритилиши унча макбул эмасдир. Машраб билан Сўфи Оллоёрнинг диний-илохий карашлари ўртасидаги фарқ ва шу негизда юзага келган ихтилофни хам тадқик этиш жоиз эмасдир... Аммо

ўтмишдаги хамма нарса “ёпиглик козон” бўлиб колаверса ёхуд ўзимиз билиттифок ёпиб қўя колсак, унда качон, нимадан ибрат оламиз? Шу борада Гафур Гулом маколаларидан бирида ёзилган мазкур фикр ёдга тушади: “Тарих унутмайди хам, кечирмайди хам”. Шоирнинг бу сўзларига эътибор каратмай бўладими?